

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН  
Ҳ У К М

2023 йил ноябрь ойининг 3 куни жиноят ишлари бўйича Тўрткўл туман суди ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи туман судининг раиси С.Атабаев, судья ёрдамчиси Х.Наримбетовнинг котиблигида, тарафлардан Тўрткўл туман прокурорининг ёрдамчиси А.Сейтбеков, судланувчи В.Атажанов ва унинг ҳимоячиси адвокат Ғ.Сейтовнинг иштирокида, Атажанов Вахобжон Азамат ўғлига оид 1-2313-2301/113 (352503/2023-6ВХ)-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Атажанов Вахобжон Азамат ўғли (Atajonov Vahobjon Azamat o'g'li) 24.11.1997 йилда Қорақалпоғистон Республикаси Эллиққалъа туманида туғилган, миллати ўзбек, бўйдоқ, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, Эллиққалъа тумани Ички ишлар бўлими Йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмаси Маъмурий амалиёт бўлими инспектор ёрдамчи техниги, муқаддам судланмаган, Эллиққалъа тумани, Қаватқалъа МФЙда яшаб келган, иш юзасидан ЖИБ Тўрткўл тумани судининг 2023 йил 02 июнь кунги ажримига асосан уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2023 йил 07 август куни олган;

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми ва 28, 211-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, кўрсатувларни таҳлил қилиб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и :

Судланувчи В.Атажанов Департаментнинг Эллиққалъа туман бўлими, Тўрткўл туман прокуратураси, ДХХ Қорақалпоғистон Республикаси бўйича бошқармаси Эллиққалъа туман бўлинмаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ ходимлари ҳамкорлигида фуқаро Х.Рейимовнинг аризасига асосан ўтказилган тезкор тадбир натижасида, Эллиққалъа тумани Ички ишлар бўлими Йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмаси Маъмурий амалиёт бўлими инспектор ёрдамчи техниги Атажанов Вахобжон Азамат ўғли ариза муаллифи Х.Б.Рейимовнинг ишончига кириб, ўзининг



ваколатига кирмасада унга 300 АҚШ доллари эвазига Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ ЙПХда ишлайдиган “Расул” исмли инспекторига пора тариқасида 300 АҚШ долларини беришда воситачилик яъни, пора бериш хусусидаги келишувга эришишга қаратилган фаолиятни амалга ошириб, Х.Реймовни “Расул” исмли ЙПХ инспекторига 300 АҚШ доллари беришга рози қилиб, бунинг эвазига Х.Реймовнинг радардан 2,7 млн. сўм қарзини йўқ қилиб беришни ваъда қилиб, 30.05.2023 йили соат 14:30 чамасида Элликқалъа тумани, “Элликқалъа” ОФЙ Аязқалъа кўчаси бўйида ариза муаллифи Х.Рейимовдан фирибгарлик йўли билан алдаб олган вақтида ҳуқуқни муҳофаза орган ходимлари томонидан ушланиб, ўзига боғлиқ бўлмаган холатга кўра фирибгарлик жиноятини охирига етказа олмаган.

Ушбу ҳаракатлари билан В.Атажанов Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 25, 168-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни қасддан содир этган.

Шунингдек, В.Атажанов 2022 йилдан буён Элликқалъа тумани Ички ишлар бўлими Йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмаси Маъмурий амалиёт бўлими инспектор ёрдамчи техниги лавозимида ишлаб келиб, жинойий қилмишини давом эттириб, моддий манфаат кўришни режалаштириб, фуқаро Х.Б.Рейимовнинг ишончига кириб, ўзининг ваколатига кирмасада унга 300 АҚШ доллари эвазига Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ ЙПХда ишлайдиган “Расул” исмли инспекторига пора тариқасида 300 АҚШ долларини беришда воситачилик яъни, пора бериш хусусидаги келишувга эришишга қаратилган фаолиятни амалга ошириб, Х.Реймовни “Расул” исмли ЙПХ инспекторига 300 АҚШ доллари беришга рози қилиб, бунинг эвазига Х.Реймовнинг радардан 2,7 млн. сўм қарзини йўқ қилиб беришни ваъда қилиб, 30.05.2023 йили соат 14:30 чамасида Элликқалъа тумани, “Элликқалъа” ОФЙ Аязқалъа кўчаси бўйида ариза муаллифи Х.Б.Рейимовдан олган вақтида кимёвий ишлов берилган 300 АҚШ доллар (3 421 500 сўм) долларни ашёвий далиллар билан ушланган.

Ушбу ҳаракатлари билан В.А.Атажанов Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 28,211-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни қасддан содир этган.

Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазиригининг 15.06.2023 йилдаги №498-сонли суд-кимёвий экспертиза хулосасида В.А.Атажанов томонидан олинган 300 АҚШ доллари купюросидаги

РН 55197454 В рақамли жами 1 та 100 АҚШ долларига махсус қалам билан “ВАХОБГА ПОРА 23” мазмунида сариқ-яшил тироқ рангдаги шартли ёзувлар, шунингдек пулларда ҳамда А.Атажановнинг ўнг ва чап қўлида, чўнтагида сариқ-яшил



ялтироқ рангдаги доғлар экспертизага тақдим қилинган қалам наънунси билан бир хил эканлигин тасдиқланган.

Шундай қилиб, В.Атажанов ўзининг юқоридаги барча ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 25, 168-моддаси 1-қисми ва 28,211-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни қасдан содир этган.

Суд мажлисида судланувчи В.Атажановнинг ўз айбига қисман иқроор бўлиб, ўз хизмат вазифаларига туман Ички ишлар бўлими Йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмаси Маъмурий амалиёт бўлими инспектори томонидан буюрилган ишлари яъни маъмурий қарздорлиги бор бўлган шахслар билан боғланиб маъмурий жарималарини ўз вақтида тўланишини талаб қилиш, тўлатиш чораларини кўриш ва ўз вақтида тўланмаган жарималарни ундириш бўйича судга, мажбурий ижро бюросига тегишли ҳужжатларни тақдим қилинишида ёрдам кўрсатиш киришини ҳамда жарима тайинлаш тўғрисидаги маъмурий қарор келиб тушганидан сўнг 15 кун ичида ихтиёрий тўласа жарима миқдорининг 50 фоизини, маъмурий жарима қўллаш тўғрисидаги қарор қабул қилинганидан кейин 15 кун ичида жарима тўланмаса жаримани тўлиқ миқдорда тўлашини, 30 кун ичида тўланмаса жарима махсус интеграциялашган программа орқали автоматик равишда Мажбурий ижро бюросига ўтказилишини ва мажбурий ундириш чоралари қўлланилишини, ҳозирги кунда ахборот технологиялари ривожланган давр бўлганлиги сабабли маъмурий жарималарни ва тўловларни ўз вақтида қисқа вақт ичида тўлашнинг йўллар кўпайганлиги яъни банкларнинг мобил иловалари, CLICK, Paynet, Paymi ва бошқада мобил тўлов иловалари орқали жарималарни тезкор тўлов йўллари мавжудлигини ва Х.Райимовга юқоридаги тезкор тўлов иловалари орқали тўлашни айтганлигини, Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ ЙХХБ ходими Қурбанаев Расул Сабурович эканлиги у билан ҳеч қандай алоқаси йўқлигини, фақат иш юзасидан гаплашиб туришини, Эллиққалъа тумани Қаватқалъа МФЙ Ал-Фарғоний кўчаси 20-уйда яшовчи фуқаро Рейимов Хамид Базарбай ўғли ёшлиқдан танишини, у билан бир маҳаллада яшашини унинг телефон рақами 26.05.2023 йилга қадар ўзида йўқлиги телефон рақамини кимдан олганидан хабари йўқлигини, унга ўз рақамини умуман бермаганлигини, 26.05.2023 йил кундан 27.05.2023 йилга ўтар кечаси соат 00:15 ва 00:16да Х.Райимов ўзига телефон қилиб Эллиққалъа тумани Академик лицейи ёнида йўл патрул хизмати ходимлари томонидан ўзи бошқарувидаги “Кобалт” русумли автомобилни ушлаганлигини айтгани кейин воқеа жойига борганлигини, борганида



Х.Рейимовни ушлаган Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ ЙХХБ ходими Р.Қурбанбаев билан учрашиб унга Х.Райимов жарималарини эртага соат 10:00га қадар тўлашига кафолат берганлигини Х.Рейимовга тегишли автомобилнинг техник паспортини ЙХХ ходимлари ташлаб кетганлигини бошқа хужжатларини олмаганлигини, лекин унинг автомобилнинг техник паспортини олишга ҳеч қандай ҳолларда олишга ҳақи бўлмаганлигини, Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ ЙХХБ ходими Р.Қурбанбаев билан умуман кўришмаганлигини, 27.05.2023 йил, 28.05.2023 йилда ўз телефонида Х.Рейимовнинг телефонига боғланиб, 26.05.2023 йил кундан 27.05.2023 йилга ўтар кечаси соат 00:15 ва 00:16да Х.Райимов унга телефон қилиб Эллиққалъа тумани Академик лицейи ёнида йўл патрул хизмати ходимлари томонидан ушланганлиги бўйича гаплашганлигини, 30.05.2023 йилда Х.Рейимов ўзининг қўл телефонида телефон қилиб, ҳол аҳвол сўрашиб, учрашиб гаплашиб олишни айтганлигини ва рози бўлганидан сўнг, соат 14:21да бир маҳаллада яъни Эллиққалъа тумани Каватқалъа МФЙ Гишт завод кўчасида турувчи синфдоши Боғибеков Толибжон Ўктам ўғлига телефон қилиб, ундан ўзини уйдан олиб кетишини ва ишхонасига ташлаб кетишини, Толибжон дадасига тегишли давлат рақами 95 А 215 ФА бўлган автошина билан ўзи яшаб келаётган уйини олдига келганлигини ва бирга у бошқарувидаги машинада кетганлигини, йўл бўйи Толибжондан Эллиққалъа тумани Қаватқалъа МФЙ Хороз кўчасида яшовчи Хамид қандай йигит, яхшилиқни биладими ёки йўқми деб сўраганлигини, у эса бу йигит яхши эмаслигини, у билан ишлашиб кўрмаганлигини айтганлигини, Толибжон Хамидни нима мақсадда сўраганлигини сўраганида унга 26.05.2023 йил кундан 27.05.2023 йилга ўтар кечаси соат 00:15 ва 00:16да Хамид ўзига телефон қилиб, Эллиққалъа тумани Академик лицейи ёнида йўл патрул хизмати ходимлари томонидан ўзининг бошқарувидаги “КОБАЛТ” русумли автомобилни ушлаганлигини, автомашинаси текширилганида автомашинасининг 2023 йил март ойидаги қоидабузарликлари учун 2 миллион 700 минг сўм қарздорлиги борлиги аниқланиб, йўл патрул ходимлари томондан автомашинаси жарима майдончасига қўйилиши мумкинлигини айтганлиги сабабли ундан жарима майдонига қўймаслигига ёрдам беришини сўраб, маъмурий жарима қарздорлигини тезда бартараф қилишини айтиб жарима майдонига жойламаслиги бўйича илтимос қилганлиги ва шу атрафда ўтиб кетаётганлиги сабабли воқеа жойига бориб, Хамидни ушлаган Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ ЙХХБ ходими Расул билан гаплашиб, унга мид жаримасини эртага соат 10:00га қадар тўлашига ўз филлигини билдириб, унинг автомашинасини жарима



майдончасига қўйдирмасдан Хамидга ёрдам қилган бўлсада, у автомашинасининг 2023 йил март ойидаги қоидабузарликлари учун

2 миллион 700 минг сўм қарздорлигини ҳалиям тўламаётганлигини айтганлигини, Толибжон унга Хамид яхши йигит эмаслигини, ишлашиб кўрмаганлигини ва иложи борича у билан алоқа қилмаслигини айтганлигини, ўзининг +99897-506-45-45 рақамли қўл телефонида Хамиднинг +99888-475-99-00 рақамли телефон рақамига кўнғироқ қилиб у билан Эллиққалъа тумани Қаватқалъа МФЙ Аёзқола кўчаси ва Хороз кўчаси кесишмасида туришини сўраганлиги ва йўлда бораётганлигини айтганлигини, орадан вақт ўтиб соат 14:30 лар чамасида Эллиққалъа тумани Қаватқалъа МФЙ Аёзқола кўчаси ва Поп кўчаси кесишмасига яқинлашганида Хамид турганлигини кўрганлиги ва Толибжонга машинани унинг ёнида тўхтатишни сўраганлиги ва машина Хамидни ёнига бориб тўхтаганидан сўнг, Хамид машинанинг шафёр томонидан яъни чап тарафи орқа эшигидан автомашинага чиққанлиги, Хамидга нима бўлди, машинангни нима қилдинг деб сўраганида, Хамид кеча 29.05.2023 йилда машинасида йўл транспорт ҳодисаси содир қилганлигини ва ҳозирда жарима майдончадалигини айтганлигини, кейин Хамидга автомашинасининг тўланмаган 2 миллион 700 минг сўм жарималари борлигини ва уларни тўлаш кераклигини айтиб, жарималарни тўлаганидан сўнг, ёрдам беришини айтганлиги ва Хамид ўзига 300 АҚШ долларини бермоқчи бўлганлиги ва ушбу пулларни олишга кўрқишини айтиб, синфдоши Толибжонга олиб қўйишни айтганлиги, шундан сўнг Хамид машинадан тушиб кетганлиги, кейин улар келаётган машинага қарама қарши тарафдан оқ рангли “Жентра” русумли автомашина чироқларини ўчириб ёқиб тўхташ ишорасини қилганлиги, ўзи ушбу автомашина ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари бўлиши мумкинлигини ўйлаб Толибжонга тезликни оширишини ва тўхтамаслигинини айтганлигини, лекин Толибжон бундай қилиш яхшимаслигини айтиб машинани тўхтатганлигини, кейин, ўзига номаълум бўлган шахслар ўз хизмат гувоҳномаларини кўрсатиб, ўзларини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари эканлигини айтиб, Эллиққалъа тумани Қаватқалъа МФЙ Ал-Фрғоний кўчаси 20-уйда яшовчи фуқаро Рейимов Хамид Базарбай ўғлининг ДХХ Қорақалпоғистон Республикаси бўйича бошқармасининг Эллиққалъа тумани бўлими бошлиғи номига ёзган аризасига асосан, ўзига нисбатан тезкор тадбир ўтказилаётганлигини айтиб, фуқаро Рейимов Хамид Базарбай ўғлидан олинган 300 АҚШ доллари қаерда эканлигини сўраганлигини, ушбу пуллардан хабари йўқлигини айтганлигини ва улар



Толибжондан пуллар қаердалигини сўраганида Толибжон ўзи кийиб юрган шимнинг чап чўнтагидан Рейимбаев Хамид Базарбай ўғли томонидан тақдим қилинган 300 АҚШ долларини орган ходимларига тақдим қилганлиги ва орган ходимлари томонидан ушбу пуллар ашёвий далил сифатида олиниб, ўзига ва Толибжонга ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилганлиги ўзига ва Толибжонга Эллиққалъа тумани прокуратурасига бориб ҳужжатлар расмийлаштириш тушунтирилганлигини, Эллиққалъа прокуратурасига келганлигини ҳозирги кунда қилган ишидан чин кўнгилдан пушоймонлигини енгиллик қилишни сўраб берган кўрсатмаси.

Судланувчи В.Атажанов айбига қисман иқрор бўлса ҳам, унинг содир қилган жинояти кўйидаги объектив далиллар йиғиндиси билан билан тўлиқ тасдиқланади, деб суд ҳисоблайди.

Суд мажлисида гувоҳ Х.Рейимов, ўзи 2023 йил 26 майдан 27 майга ўтар кечаси соат 24-15 лар атрофида Эллиққалъа тумани, Қаватқалъа МФЙ, А.Қаҳорий кўчаси йўлидан уйига кетаётган вақтида ЙХХ ходимлари олдида чиқиб, бошқариб келаётган давлат рақами 95 А 134 ЈА бўлган Кобалт автомашинасини тўхтатиб ўзларини таништирдан, автомашинасини тўхтатиб ҳужжатларини сўраганлиги ЙХХ ходимларига машина ҳужжатларини тақдим этганлигини, улар йўл ҳаракати қоидаларини бузганлиги учун жаримадан қарзини тўлаш муддати ўтганлигини айтиб машинасини жарима майдонига қўйишини кейин ЙПХ ходимлари унинг машинасини бошқариб, жарима майдони тамонга хайдаб кетганлигини, жарима майдонига яқинлашиб келиб, у ерга етмасдан йўлда автомашинасини тўхтатиб, Эллиққалъа туманидаги қайси ЙХХ ходимларини танишлигини сўраганлигини, ҳеч кимни танимаслигини айтгандан кейин улар танимаса машинасини жарима майдонига қўяшини уларга эрталаб жаримани тўлашлигини, ҳозир жарима майдонига қўймасликларини сўраб илтимос қилганидан кейин улар спиртли ичимлик ичгансан деб, тиббий кўрикдан ўтказишини касалхона тамонга хайдаб кетишганлиги, лекин у ерга ҳам етмасдан яна автомашинани тўхтатиб, Ваҳобжонни танийсанми деб сўраганлиги, уни танимаслигини айтганида, улар телефон рақамини +99897-506-45-45 деб айтганлигини, уни танишини айтганлиги, кейин ЙХХ ходими Ваҳобжонга телефон қилгинлигини ва Амударё туманидан Расул деб шизини таништирганлиги у тушунади деганлигини, кейин ўзи Ваҳобжонга телефон қилиб, уни ЙХХ ходими Расул йўлда ушлаганлигини айтганлигини, Ваҳобжон ўзи гаплашишини телефонни қўйиб юбориб, Ваҳобжон ўзи билан биргаликда шинада ўтирган ўзини Расул деб таништирган ЙХХ ходимига



чиқиб иккаласи гаплашганлигини, машинани касалхона олдидан хайдаб, Бўстон шаҳар Х.Дўстлиги кўчаси йўл бўйида жойлашган Академик лицей олдида келиб тўхтатганлигини, кейин Ваҳобжон келиб, уларнинг машинасига ўтириб, гаплашиб олганлигини, Ваҳобжон ёнига келиб, Хамид ака сиз спиртли ичимлик ичган экансиз шунга 500 АҚШ доллари бермасангиз, сизни ичган деб жарима майдонида жойлаштирмоқчилар деганлигини, Ваҳобжонга спиртли ичимлик ичмаганлигини лекин Ваҳобжон унга касалхонадаги врачларга ЙХХ ходимлари ичган деб ёздирмоқчилигини ва 8.500.000 сўм жарима ёздиришларини айтганлигини, унга бу 500 АҚШ доллари кўплигини, 300 АҚШ долларини беришини ҳамда бу пулни эртагача топиб беришини айтганини, ЙХХ ходимлари ўзлари ўтрган машинага чақиритиб, ваъда қилган пулни Ваҳобжонга етказиб беришини, ўзлари Ваҳобжонга ишонишини ушбу 300 АҚШ долларини эртага соат 10-00 гача етказиб беришини айтгандан кейин, улар алдамаслигини, алдаса машинасини жарима майдонида жойлаштиришини ва гувоҳномасини бекор қилишларини айтиб, кўрқитишганлигини, ДХХ Қорақалпоғистон Республикаси бўйича бошқармаси Эллиққалъа туман бўлинмаси бошлиғи номига ариза билан мурожаат қилиб, ўз аризасида “Эллиққалъа туманида яшовчи “Ваҳобжон” Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ ЙПХда ишлайдиган танишлари орқали радардан бўлган 2 млн 700 минг сўмлик қарзини йўқ қилиб бериш эвазига 300 (уч юз) АҚШ доллари пулларни пора тариқасида талаб қилиб, агарда ушбу пулларни бермаса ўзи бошқариб юрган автомобилни жарима майдонида жойлаштириш билан кўрқитиб келаётганлигини, Ваҳобжонга нисбатан қонуний чора кўришни сўраб ҳамда аризасига илова тариқасида у билан ўзаро суҳбат давомида пора сўраётган сўзлашувлар ёзиб олинган дискни тақдим қилганлигини, ушбу аризасига асосан, 2023 йил 30 май куни Департаментнинг Қорақалпоғистон Республикаси Эллиққалъа туман бўлими хизмат хонасида тезкор тадбир ўтказилганлигини ва тезкор гуруҳ вакиллари ва холислар билан бирга соат 14:20 да Бўстон шаҳри, “Эллиққалъа” ОФЙ Аязқалъа кўчасига қараб, ўзи ва тезкор ходимлар томонидан холислар иштирокида тезкор кузатув давом эттирилиб, атомашинага ўтириб кетилганлигини, ўзи Бўстон шаҳри, “Эллиққалъа” ОФЙ Аязқалъа кўчасининг чап томонига келиб тўхтаган давлат рақами

95 А 215 ҒА оқ рангли матиз русумли атомашинага ўтирганлигини ҳамда ўзи Ваҳобжоннинг пулларни олганлиги тўғрисида шартли ишора берганидан тезкор ходимлар билан бирга ушбу атомашина олд ўриндиғида ўтирган эркак киши



ёнига бориб, унга хизмат гувоҳномаларини кўрсатиб, ўзларини таништирганлигини ва ариза юзасидан тезкор тадбир ўтказилаётганлигини маълум қилиб, аризани ўқиб эшиттирганлиги ва улардан ўзини таништиришини ва пул олган ёки олмаганлиги сўраганлигини, улар ўзини, Эллиққалъа тумани “Қаватқалъа” МФЙ Ғишт завод кўчаси 20-уйда яшовчи Атажанов Ваҳобжон Азамат ўғли деб таништириб, олган АҚШ долларларни таниши, яъни автомашина рулда ўтирган Толибжонган берганлигини айтганлиги, автомашина рулида ўтирган шахсга ўзларини таништириб, тезкор тадбир ўтказилаётганлигини маълум қилиб, ундан ўзини таништиришини ва Атажанов Ваҳобжон Азамат ўғли олган АҚШ долларларни у берган ёки бермаганлиги сўралганида, у ўзини, Эллиққалъа тумани “Қаватқалъа” МФЙ Ғишт завод кўчаси 8-уйда яшовчи Боғибеков Толибжон Ўктам ўғли деб таништириб, Атажанов Ваҳобжон Азамат ўғли пора тартиқасида олган АҚШ долларларни унга берганлигини айтиб чап чўнтагидан олиб чиқариб берганлигини, тезкор тадбир иштирокчилари томонидан фуқаро В.А.Атажанов ва Т.Ў.Боғибековларга мазкур тадбирда гумон қилинувчи тариқасида ушланганлигини ва пора тариқасида олган АҚШ доллар пуллар холислар иштирокида санокдан ўтказилганида 300 АҚШ доллар купьюрадаги 3 дона жами 300 АҚШ доллар пуллар эканлиги аниқланиб, алоҳида янги конвертга жойлаштирилиб, ашёвий далил тариқасида олинганлиги, воқеа жойида расмийлаштириш имконияти бўлмаганлиги сабабли Департаментнинг Эллиққалъа туман бўлими хизмат хонасига бориш сўралганида, тадбир иштирокчилари томонидан қаршилик бўлмаганлиги ва холислар иштирокида Департаментнинг Эллиққалъа туман бўлими хизмат хонасига олиб келинганлиги баён қилиб берган кўрсатмаси.

Суд мажлисида гувоҳ Т.Боғибеков, ўзи 2023 йил 30 май куни тушлик вақти уйига келиб овқатланиб бўлиб, соат 14:21да давлат рақами 95 А 215 ҒА бўлган автошинани Эллиққалъа туманидаги Ғишт заводи кўчаси бўйлаб ҳайдаб кетаётганида ўзининг бирга ўқиган синфдоши Атажанов Ваҳобжон Азамат ўғли телефон қилиб, ўзи ишлаб келаётган Эллиққалъа тумани Ички ишлар бўлимига ташлаб кетишни сўраганлиги ва рози бўлиб, орадан 2 дақиқалар ўтиб соат 14:25лар чамасида у билан бир маҳаллада турганлиги сабабали ўзи яшаб келаётган Эллиққалъа тумани Қаватқалъа МФЙ Ғишт заводи кўчасидаги уйдан Ваҳобжонни олиб кетганлигини, йўл бўйи Ваҳобжон ундан Эллиққалъа тумани Қаватқалъа МФЙ Хороз кўчасида яшовчи Хамид қандай йигит деб сўраганлиги, унга бу йигит ши эмаслигини, у билан ишлашиб кўрмаганлигини тганлигини, ундан у йигитни нима мақсадда сўраганлигини



сўраганида у Хамиднинг муддати ўтган қарздорлиги бўлганлиги сабабли йўл патрул хизмати ходимлари томонидан ушланиб машинаси жарима майдончасига қўйилганлигини ва жарима майдонидан чиқаришда ёрдам сўраётганлигини айтганлигини, у йигит яхши эмаслигини, ишлашиб кўрмаганлигини ва иложи борича у билан алоқа қилмаслигини айтганлигини, В.Атажанов Эллиққалъа тумани Қаватқалъа МФЙ Хороз кўчасида яшовчи Хамид билан ўзининг қўл телефонида телефон қилиб у билан Эллиққалъа тумани Қаватқалъа МФЙ Аёзқола кўчаси ва Хороз кўчаси кесишмасида туришини сўраганлиги ва йўлда бораётганлигини айтганлигини, соат 14:30 лар чамасида Эллиққалъа тумани Қаватқалъа МФЙ Аёзқола кўчаси ва Поп кўчаси кесишмаси бошига яқинлашганида Х.Рейимов турганлигини кўрганлиги ва В.Атажанов машинани тўхтатишни сўраганлигини ва Х.Рейимовни ёнига бориб машинасини тўхтатганлигини, Х.Рейимов нима бўлганлигини ва машинасига нима қилганлигини сўраганида, Х.Рейимов унга машинасинда йўл транспорт ҳодисаси содир қилганлигини ва ҳозирда жарима майдончасидалигини айтганлигини, кейин В.Атажанов Х.Рейимовга автомашинасининг тўланмаган жарималари борлигини ва уларни тўлаши кераклигини айтиб, жарималарни тўлаганидан сўнг, Х.Рейимов автомашинасини жарима майдонидан чиқариб беришга ёрдам беришини айтганлигини, бояги айтганимни беринг деганлиги ва Х.Рейимов унга қанчадир миқдорда аниқ суммасига қарамаганлиги, кўк рангли АҚШ долларларини берганлиги ва ушбу пулларни В.Атажанов чап қўли билан олиб дарров ўзига берганлиги ва кечроқ олиб ўтишини айтиб ўзида туриб туришини айтганлигини, ушбу пулларни олиб шимимнинг чап чўнтагига солиб қўйганлигини, шундан сўнг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ўзларни таништириб, фуқаро Рейимов Хамид Базарбай ўғлининг аризасига асосан тезкор тадбир ўтказилаётганлигини айтиб бошқарувидаги автомашинани тўхтатишганлигини ва ундан В.Атажанов томонидан сўралиб олинган 300 АҚШ доллари қаерда эканлигини сўраганлиги ва уларга В.Атажанов томонидан сўралиб олинган 300 АҚШ доллари чап чўнтагида эканлигини айтиб чиқариб кўрсатганлиги, холис гувоҳлар иштирокида В.Атажанов томонидан сўралиб олинган 300 АҚШ доллари пуллар конвертга солиниб олинганлиги, тезкор тадбир иштирокчилари томонидан мазкур тадбирда гумон қилинувчи тариқасида ушланганлигини айтиб Эллиққалъа тумани прокуратураси биносига бориб, холислар иштирокида қўлларини мутахассис томонидан махсус ускуна билан текширилиши тушунтирилганлиги, иккала қўллари махсус ускуна билан текширилганида, яшил, сариқ ялтироқ рангдаги



доғлар борлиги кўринганлиги ва холислар иштирокида мутахассис томонидан тоза бинт очилиб, тоза бинтдан экспертиза текшируви учун намуна сифатида олиниб, алоҳида конвертга жойлаштирилганлиги ва бинт билан ўзининг иккала қўлларида суртмалар олиниб алоҳида-алоҳида конвертларга жойлаштирилиб, холислар томонидан имзоланганлиги, ўзидан санаб олинган 100 АҚШ доллар купюрадаги 3 дона жами 300 АҚШ доллар пуллар эксперт томонидан махсус аппарат билан текшириб кўрилганида 100 АҚШ доллар купюраларнинг биттасида серия рақами “РН серияли 55197454 В” бўлган долларга махсус қалам билан “ВАХОБГА ПОРА 23” шартли ёзувлари ёзилганлиги сариқ, яшил ялтироқ рангда ялтираб кўринганлигини, ушбу пулларда ишлов берилган кукун доғлари сариқ, яшил ялтироқ рангда кўриниб, 1 дона 100 АҚШ доллар купюрада серия рақами “РН серияли 55197454 В” бўлган 100 АҚШ доллар холислар иштирокида алоҳида конвертга жойлаштирилиб, ашёвий далил тариқасида олинди ҳамда қолган 200 АҚШ доллар пуллар Департаментнинг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармасига қайтариш учун департамент ходими Қ.Қурбановга қайтариб берилганлигини баён қилиб берган кўрсатмаси.

Суд мажлисида гувоҳ А.Қурбанбаев, ўзи 30.05.2023 йилда Эллиққалъа тумани прокуратураси олдидан ўтиб кетаётган вақтида ёнига бир нечта нотаниш шахслар келиб ўзларини Департамент ходимлари деб таништириб, хизмат гувоҳномаларини кўрсатиб, бир иш бўйича холис бўлиб беришини илтимос қилганлигини, ўз хоҳиши билан рози бўлганлигини, Эллиққалъа туман прокуратурасида жойлашган Департаментнинг Эллиққалъа тумани бўлимига борганлигини ва у ерда Эллиққалъа тумани, Қаватқалъа МФЙ Ал-Форғоний кўчаси 20-уйда яшовчи фуқаро Рейимов Хамид Базарбай ўғлининг аризаси таништирилганлигини, фуқаро Рейимов Хамид Базарбай ўғли ДХХ Қорақалпоғистон Республикаси бўйича бошқармаси Эллиққалъа туман бўлинмаси бошлиғи номига ариза билан мурожаат қилиб, унда Эллиққалъа туманида яшовчи “Ваҳобжон” исмли шахс ўзининг Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ ЙПХда ишлайдиган танишлари орқали радардан 2 млн 700 минг сўм қарзини йўқ қилиб бериш эвазига 300 (уч юз) АҚШ доллари пулларни пора тариқасида беришини талаб қилиб, агарда ушбу пулларни бермаса автомобилни жарима майдонида жойлаштириш билан қўрқитиб келаётганлигини билдириб, “Ваҳобжон” исмли шахсга нисбатан қонуний чора кўришни сўраб, ўз аризасига илова тариқасида ўзаро суҳбат давомида пора сўраётган аудио

узли дискни тақдим қилганлигини, ушбу аризага асосан, 23 йил 30 май куни Департаментнинг Қорақалпоғистон



Республикаси Эллиққалъа туман бўлими хизмат хонасида тезкор тадбирда вақтинчалик фойдаланиш учун Департаментнинг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси томонидан тақдим қилинган 100 АҚШ доллар купюрадаги 3 дона жами 300 (уч юз) АҚШ доллар пулларига кимёвий ишлов берилиб, кимёвий ишлов берилган пуллар соат 14:00 да ариза муаллифи Х.Б.Рейимовга иштирокида тақдим қилинганлигини, пул талаб қилиб турган “Ваҳобжон” исмли шахсга пулни қаерга олиб боришни билиш учун 2023 йил 30 май куни соат 14:05да ариза муаллифи Х.Б.Рейимов ўзининг уяли телефон рақамидан пул талаб қилган “Ваҳобжон” исмли шахснинг уяли телефониغا кўнғироқ қилиб, қаерда учрашишни сўраганида, “Ваҳобжон” исмли шахс ўзининг телефон гўшагини кўтариб, Бўстон шаҳри, “Эллиққалъа” ОФЙ Аязқалъа кўчаси учирашишга келишганлигини, шунга кўра, тезкор тадбир Бўстон шаҳри, “Эллиққалъа” ОФЙ Аязқалъа кўчаси бўйида давом эттирилиши тезкор тадбир иштирокчиларига маълум қилинганлигини, Департаментнинг Эллиққалъа туман бўлими томонидан ўтказиладиган тезкор тадбир давомида ариза муаллифи Х.Б.Рейимов билан “Ваҳобжон” исмли шахс ўртасидаги пул сўралаётганлиги ҳолатини ва улар орасида бўладиган суҳбатни қайд этиш учун ариза муаллифи Х.Б.Рейимовга овоз ёзиб олиш диктафони текширилиб, фойдаланиш тартиби тушунтирилиб соат 14:15 да бизлар иштирокида тақдим этилганлигини, тезкор гуруҳ вакиллари ва холислар билан бирга соат 14:20 да Бўстон шаҳри, “Эллиққалъа” ОФЙ Аязқалъа кўчасига қараб, ариза муаллифи Х.Б.Рейимов автомашинага ўтириб кетганлиги ва тезкор ходимлар иштирокида тезкор кузатувга олинганлигини, ариза муаллифи Х.Б.Рейимов Бўстон шаҳри, “Эллиққалъа” ОФЙ Аязқалъа кўчасининг чап томонига келиб тўхтаган давлат рақами 95 А 215 ҒА оқ рангли матиз русумли автомашинага ўтирганлигини, соат 14:30ларда ариза муаллифи Х.Б.Рейимов Ваҳобжоннинг пулларни олганлиги тўғрисида шартли ишора берилганидан тезкор ходимлар билан бирга воқеа жойига, яъни Бўстон шаҳри, “Эллиққалъа” ОФЙ Аязқалъа кўчасининг чап томонига давлат рақами 95 А 215 ҒА оқ рангли матиз русумли автомашина ёнига борганида, автомашина олд ўриндиғида устига оқ рангли куйлак ва кўк рангли шим кийган ёши тахминан 25-30 лар атрофида бўлган, эркак киши билан ёнида яъни, автомашина рулида устига кул рангли куйлак ва кул рангли шим кийган ёши тахминан 25-30лар атрофида бўлган, эркак киши атрофида ўтирганлигини кўрганини ва тезкор ходимлар билан бирга ушбу автомашина олд ўриндиғида ўтирган эркак киши ёнига бориб, тезкор тадбир ходимлари унга хизмат гувоҳномаларини кўрсатиб, ўзларини таништирганлигини ва ариза юзасидан тезкор тадбир



ўтказилаётганлигини маълум қилиб, ариза муаллифи Х.Б.Рейимовнинг аризасини ўқиб эшиттирганлигини ва ушбу эркак кишидан ўзини таништиришини ва ариза муаллифи Х.Б.Рейимовдан пул олган ёки олмаганлиги сўралганида, у ўзини, Элликқалъа тумани “Қаватқалъа” МФЙ Ғишт завод кўчаси 20-уйда яшовчи Атажанов Вахобжон Азамат ўғли деб таништириб, ариза муаллифи Х.Б.Рейимовдан олган АҚШ долларларни таниши, яъни автомашина рулда ўтирган Толибжонган берганлигини айтганлигини, автомашина рулида ўтирган шахсдан тезкор тадбир ходимлари хизмат гувоҳномаларини кўрсатиб, ўзларини таништириб, ариза юзасидан тезкор тадбир ўтказилаётганлигини маълум қилиб, ушбу эркак кишидан ўзини таништиришини ва Атажанов Вахобжон Азамат ўғли ариза муаллифи Х.Б.Рейимовдан олган АҚШ долларларни у берган ёки бермаганлиги сўралганида, у ўзини Элликқалъа тумани “Қаватқалъа” МФЙ Ғишт завод кўчаси 8-уйда яшовчи Боғибеков Толибжон Ўктам ўғли деб таништириб, Атажанов Вахобжон Азамат ўғли ариза муаллифи Х.Б.Рейимовдан олган АҚШ долларларни унга берганлигини айтиб чап чўнтагидан олиб чиқариб берганлигини, тезкор тадбир иштирокчилари томонидан фуқаро В.А.Атажанов ва Т.Ў.Боғибековларга мазкур тадбирда гумон қилинувчи тариқасида ушланганлигини ва пора тариқасида олган АҚШ доллар пуллар иштирокиларида санокдан ўтказилганида 300 АҚШ доллар купбюрадаги 3 дона жами 300 АҚШ доллар пуллар эканлиги аниқланлиги ва алоҳида тоза конвертга жойлаштирилиб, ашёвий далил тариқасида олинганлигини, воқеа жойида расмийлаштириш имконияти бўлмаганлиги сабабли Департаментнинг Элликқалъа туман бўлими хизмат хонасига бориш сўралганида, тадбир иштирокчилари томонидан қаршилик бўлмаганлиги ўзининг иштирокида Департаментнинг Элликқалъа туман бўлими хизмат хонасига келинганлиги, ушбу ерда гумонланувчи В.А.Атажанов ва Т.Ў.Боғибековларнинг қўллари мутахассис томонидан махсус ускуна билан текширилиши тушунтирилиб, гумонланувчи В.А.Атажанов ва Т.Ў.Боғибековларга яна бир бор унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилганлиги, гумонланувчи В.А.Атажанов иккала қўлларида ва юз қисмидан тоза бинтдан экспертиза текшируви учун намуна сифатида суртмалар олиниб, алоҳида-алоҳида конвертларга жойлаштирилиб, холислар томонидан имзоланганлиги ҳамда гумонланувчи Т.Ў.Боғибеков иккала қўлларида тоза бинтдан экспертиза текшируви учун намуна сифатида суртмалар олиниб, алоҳида конвертларга жойлаштирилиб, холислар томонидан имзоланганлиги ҳамда В.А.Атажанов ва Т.Ў.Боғибековларнинг ида бошқа гумон туғдирувчи бошқа нарсалар



аниқланмаганлиги, шу ерда гумонланувчи Т.Ў.Боғибеков ҳамда гумонланувчи В.А.Атажановга гумонланувчи Т.Ў.Боғибековдан олинган АҚШ долларлар холислар томонидан санаб кўрилганида 100 АҚШ доллар купюрадаги 3 дона жами 300 (уч юз) АҚШ доллар пуллар эканлиги аниқланганлиги ва ушбу пуллар эксперт томонидан махсус аппарат билан текшириб кўрилганида 100 АҚШ доллар купюраларнинг биттасида серия рақами “РН серияли 55197454 В” бўлган долларга махсус қалам билан “ВАХОБГА ПОРА 23” шартли ёзувлари ёзилганлиги сариқ, яшил ялтироқ рангда ялтираб кўринганлиги, ушбу пулларда ишлов берилган кукун доғлари сариқ, яшил ялтироқ рангда кўриниб, 1 дона 100 АҚШ доллар купюрада серия рақами “РН серияли 55197454 В” бўлган 100 АҚШ доллар иштирокида алоҳида конвертга жойлаштирилиб, холислар томонидан имзоланиб, ашёвий далил тариқасида олинганлиги ҳамда қолган 200 АҚШ доллар пуллар Департаментнинг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармасига қайтариш учун департамент ходими К.Б.Курбановга қайтариб берилганлигини, шунингдек, гумонланувчи Т.Ў.Боғибековга тегишли бўлган “Samsung J5 prime” русумли ва гумонланувчи В.А.Атажановга тегишли бўлган “Redmi 9A” русумли қўл телефони текшириб кўриш учун олинганлиги ва тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилганлиги, тезкор тадбирда уруш ва камситиш ҳолатлари бўлмаганлиги баён қилиб берган кўрсатмаси.

Суд мажлисида қўшимча гувоҳ Р.Қурбанбаев, ўзининг хизмат вазифасига йўл транспорт ҳодисасининг олдини олиш, йўлларда ҳаракат ҳафсизлигини таъминлаш транспорт воситаларининг ноқонуний фойдаланиш ҳолатларини аниқлаш ва уларни бартараф қилиш, маъмурий баённомалар расмилаштириш ва бошқа вазифалар киришини Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги йўл йўл ҳаракати ҳафсизлигини бошқармаси инспектори А.Юлдашев билан биргаликда 2023 йил 26 май куни кечги Эллиққалъа туманидаги байрам муносабати йўл ҳаракат ҳафсизлигини таъминлаш мақсадида байрам бўлганлиги йўлларига маъсул бўлиб туриб байрам тугагандан қайтиб келаётганда Эллиққалъа тумани “Қаватқалъа” МФЙ ҳудудида тунги рейд ўтказиш ва ушбу ҳудуд йўл ҳаракат ҳафсизлигини таъминлар мақсадида бошқарувидаги давлат рақами 95 W 732 МА бўлган “Жертра” русумли автомобилда ушбу ҳудудидаги дўкон олдида туриб автомашиналарни тўхтатиб автомашиналарнинг ҳужжатларини текшириб ва ҳайдовчиларнинг спиртли ичимлик ичган ичмаганлигини текширдик ва у ерда 5 та машинани текшириб дўкон олдида 500 метр юриб яна шу ерда автомашиналарни текшириб турганларида давлат рақами 95 А



134 JA бўлган “Коблат” русумли автомашинани А.Юлдашев тўхтатган вақтида у планшет орқали ушбу автомашинанинг қарздорлигини текширганида муддати ўтган 3 ҳолатда 835 000 сўм жами 7 та ҳолатда 3 287 425 сўм жаримасида қарздорлиги аниқланиб, автомашинани башқариб келаётган машина эгасининг хужжатларини олиб текшириб кўриб чиқдик ва автотранспорт воситасини рўйхатдан ўтказганлиги тўғрисидаги гувоҳномасини олиб қўйганини ҳамда автомашинани жарима майдонида олиб кетаётганларида автомашина эгаси Рейимов Хамид уларга илтимос қилиб, ҳозир ёнида пул йўқлигини ва отаси касаллигини ёрдам беришларини у билан бирга Қаватқалъа МФЙ ҳудудидан чиқиб, Бустон шаҳридаги Академик лицей олдига келиб туришганини ва ундан кейин Х.Рейимовдан тўловларни амалга ошириш учун туман ИИБ ходимларидан кимларни танишини сўрашганини у эса Элликқалъа тумани маъмурий амалиёт ёрдамчиси техниги Атажанов Ваҳобжонни танишини айтганини у В.Атажановга телефон орқали чиқиб, унинг кўчасида турадиган яқин қариндошининг жаримадан қарздорлиги борлигини ушбу қарздорликни тўлатиб билишини сўраганлиги шундан кейин В.Атажанов уларнинг ёнига келиб, ўзи Х.Рейимовни танишини ва жаримадан бўлган қарздорликларни тўлатиб қўйишини айтганлигини мазкур автомашина хужжатларини В.Атажановга бериб кетишганлигини баён қилиб берган кўрсатмаси.

Суд мажлисида қўшимча гувоҳ А.Юлдашев, ўзининг хизмат вазифаларига йўл транспорт ходисаларининг олдини олиш, йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, транспорт твсоиталаридан ноқонуний фойдаланиш ҳолатларини аниқлаш ва уларни бартараф қилиш, маъмурий баённомлар расмийлаштириш ва бошқа вазифалар киришини ва Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси инспектори Р.Курбанбаев билан биргаликда 2023 йил 26 май кечки соат 11:30ларда Элликқала туманидаги байрам муносабати билан йўл ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида байрам бўлиб турган жойни йўлларига маъсул бўлиб туриб байрам тугагандан сўнг қайтиб келаётганлигини ва Элликқалъа тумани “Қаватқалъа” МФЙ ҳудудида тунги рейд ўтказиш ва ушбу ҳудуд йўл ҳаракат хавфсизлигини таъминлар мақсадида ўзининг бошқарувидаги давлат рақами 95 W 732 MA бўлган “Жертра” русумли автомобилда ушбу ҳудудидаги дўкон олдида туриб автомашиналарни тўхтатиб автомашиналарнинг хужжатларини текшириб ва ҳайдовчиларнинг спиртли ичимлик ичган маганлигини текширдик ва у ерда 5 та машинани текшириб кон олдидан 500 метр юриб яна шу ерда автомашиналарни



текшириб турганларида давлат рақами 95 А 134 ЈА бўлган “Коблат” русумли автомашинани тўхтатган вақтида Р.Курбанбаев планшет орқали ушбу автомашинанинг қарздорлигини текшириб кўрганда муддати ўтган 3 ҳолатда 835 000 сўм жами 7 та ҳолатда 3 287 425 сўм жаримасида қарздорлиги аниқланиб, автомашинани башқариб келаётган машина эгасининг ҳужжатларини олиб текшириб кўриб чиқишганини ва автотранспорт воситасини рўйхатдан ўтказганлиги тўғрисидаги гувоҳномасини олиб қўйилганини ҳамда автомашинани жарима майдонига олиб кетаётганида автомашина эгаси Рейимов Хамид уларга илтимос қилиб, ҳозир ёнида пул йўқлигини ва отаси касаллигини айтиб, ёрдам беришларини унинг билан бирга Қаватқалъа МФЙ ҳудудидан чиқиб, Бустон шаҳридаги Академик лицей олдига келиб тухташганини ва ундан кейин Х.Рейимовдан тўловларни амалга ошириш учун туманда ИИБ ходимларидан кимларни танишини сўрашганини, у эса Эллиққалъа тумани маъмурий амалиёт ёрдамчиси техниги Атажанов Ваҳобжонни танишини айтганлигини кейин, Р.Курбанбаев В.Атажановга телефон орқали чиқиб, Р.Курбанбаев билан гаплашганини ва В.Атажановга унинг кўчасида турадиган яқин қариндошини жаримадан қарздорлиги борлигини, ушбу қарздорликни тўлатиб билишлигини сўраганини кейин В.Атажанов уларнинг ёнига келиб, ўзи Х.Рейимовни танишини ва жаримадан бўлган қарздорликларни тўлатиб қўйишини айтганини мазкур автомашина ҳужжатларини В.Атажановга бериб кетишганлигини баён қилиб бюерган кўрсатмаси.

Х.Рейимовнинг ДХХ Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси Тўрткўл туман бўлимига ёзган аризаси билан, (и.в. 4-5);

2023 йил 30 май кунги сўзлашувлар ёзиб олинган “СД” дискни қабул қилиш, кўздан кечириш ва эшитиб кўриш ҳақидаги баённома, (и.в. 8-11);

2023 йил 30 май кунги пулларга кимёвий ишлов бериш ҳақидаги баённомаси ва фотолавлари билан, (и.в. 12-20);

2023 йил 30 май кунги овоз ёзиб олиш ускунасини тақдим қилиш баённома ва фотосуратлар, (и.в. 21-23);

2023 йил 30 май кунги воқеа жойини кўздан кечириш баёненомаси, (и.в. 30-34); ҳамда жиноят ишда тўпланган бошқа объектив далиллар билан тўлиқ тасдиқланади.

Тўрткўл тумани прокурори терговчиси 2-даражали юрист Х.Қўшимматовнинг 19.06.2023 йилги қарори билан жиноят ишининг фуқаро Х.Рейимов, Т.Боғибеков, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси 2-минтақа йўл патрул хизмати отряди йўл патрул хизмати инспекторлари катта сержант



Р.Қурбанбаев ва сафдор А.Юлдашевга қараган қисми ЖПКнинг

83-моддаси 2-банди билан тугатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил 23 июнь кунги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 17-сонли Қарорининг 3-бандида, фирибгарлик ўзганинг мулкани ёки мулкка бўлган ҳуқуқни алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қонунга хилоф равишда ва текин қўлга киритишда ифодаланиб, бунинг таъсирида мулкдор (унинг вакили), мулкнинг бошқа эгаси ёки ваколатли орган мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга беради, ёинки ушбу мулк ёки унга бўлган ҳуқуқ бошқа шахс томонидан олиб қўйилишига имконият беришини, 24-бандида, ... агар шахс (шу жумладан мансаб ваколати йўқлиги ёки ўз хизмат мавқеидан фойдалана олмаслиги туфайли муайян ҳаракат (ҳаракатсизлик)ни аслида амалга ошира олмайдиган мансабдор шахс), гўёки мансабдор шахсга пора сифатида бериш учун пул ёки бошқа қимматликларни олиб, бироқ аслида бундай нияти бўлмасдан, уларни ўзлаштирса, қилмиш фирибгарлик сифатида квалификация қилиниши лозим. Агар қимматликларни эгаллаш мақсадида уларнинг эгаси айбдор томонидан пора беришга далолат этилган бўлса, унинг ҳаракатлари фирибгарликдан ташқари пора беришга далолат этиш сифатида қўшимча квалификация қилиниши лозим. Қимматликлар эгасининг ҳаракатлари эса, бундай ҳолларда, пора беришга суиқасд сифатида квалификация қилиниши кераклиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил

24 сентябрь кунги “Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 19-сонли Қарорининг 15-бандида, Агар айбдор пора берувчидан мансабдор шахсга бериш учун деб пора тариқасида пул ёки бошқа бойликларни олганида ва бундай қилмишни хоҳламасдан, уларни ўзлаштириб юборганда, қилмиш фирибгарлик деб тавсифланиши лозим. Бойликларни қўлга киритиш мақсадида пора берувчи улар томонидан пора беришга оғдирилган тақдирда айбдорнинг ҳаракатлари фирибгарликдан ташқари пора беришга қизиқтирувчи тариқасида қўшимча тавсифланиши керак. Пора берувчининг ҳаракати бундай ҳолларда пора беришга суиқасд деб тавсифланиши лозим бўлади. Бу ўринда пора берилиши мўлжалланган муайян мансабдор шахс айтилган-айтилмаганлигининг аҳамияти бўлмаслиги кўрсатилган.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан В.Атажановнинг қаро Х.Рейимовнинг ишончига қириб, мулкни ҳуқуқни лга киритишга суиқасд қидишда ифодаланган жиноий



ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси 168-моддаси 1-қисми билан нотўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди, сабаби Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2023 йил 23 июндаги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 17-сонли қарорининг 7-бандида “Мулкни эгаллашга қаратилган фирибгарлик, мазкур мулк айбдор ёки бошқа шахсларнинг ғайриқонуний эгалигига ўтган ва улар ундан хоҳлаган тарзда фойдаланиш ёки тасарруф этиш реал имкониятига эга бўлган пайтдан тугалланган деб топилади.” деб кўрсатилган, дастлабки тергов ва суд тергови давомида В.Атажанов фуқаро Х.Рейимовни алдаб “Расул” исмли ЙПХ инспекторига 300 АҚШ доллари беришга рози қилиб, бунинг эвазига Х.Рейимовнинг радардан 2,7 млн. сўм қарзини йўқ қилиб беришни ваъда қилиб, эвазига фирибгарлик йўли билан 300 АҚШ доллари пул маблағларини кўлга киритган вақтида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан кўлга олиниб, тегишли тартибда ҳужжатлар расмийлаштирилиб, пуллар олиб қўйилганлигини, бу ҳолатда эгаллашга қаратилган мулк, яъни пуллар В.Атажановнинг эгалигига ўтган бўлсада у ушбу пулларни тасарруф этиш реал имкониятига эга бўлмаган, шу сабабли судланувчининг ҳаракатларини ЖКнинг 25,168-моддаси 1-қисмига қайта квалификация қилишни лозим топади.

Шунингдек дастлабки тергов органи томонидан В.Атажановнинг пора бериш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот мансабдор шахсига мазкур мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб бевосита ёки воситачи орқали моддий қимматликлар беришга далолат қилишда ифодаланган жинойий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 28,211-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Шунинг билан, суд, судланувчи В.Атажановни Ўзбекистон Республикаси ЖК 25, 168-моддаси 1-қисми ва 28, 211-моддаси 1-қисми билан айбли деб топишни ва ушбу моддалар билан жазо тайинлашни лозим топди.

Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 30 апрель куни қабул қилинган янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддаси 2-хатбошисида “Инсоннинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас”лиги, 4-хатбошисида “Давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик



принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак”лиги белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил 23 июндаги “Одил судловни амалга оширишда ўзбекистон республикаси конституцияси нормаларини тўғридан-тўғри қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 16-сонли Қарорининг 6-бандида, Судлар Конституциянинг 20-моддаси талабларидан келиб чиқиб, шахсга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклигини инобатга олишлари зарурлиги белгиланган.

Суд, судланувчи В.Атажановга жаза тайинлаш пайтида, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини (унинг содир этган жинояти Жиноят кодексининг 15, 22-моддасига асос қасддан содир этиладиган унча оғир бўлмаган ва оғир жиноятлар қаторига киришини), қилмишнинг сабаби ва оқибатларини, судланувчининг шахсини инобатга олади, жазони енгиллаштирувчи ҳолатлари деб айбини қисман буйнига олиб, содир қилган жиноятдан чин кунгилдан пушаймонлик билдирганлигини, муқаддам жиноий жавобгарликка тортилмаганлигини ва судланмаганлигини, унинг жазосини оғирлаштирувчи ҳолатлар деб жиноятни ғаразли ниятларда содир қилганлигини инобатга олиб, унга ЖКнинг 25, 168-моддаси 1-қисми билан ахлоқ тузатиш ишини ва 28, 211-моддаси 1-қисми билан озодликни чеклаш жазосини тайинлашни ва тайинланган жазоларни ЖК 59, 61-моддалари тартибидан қисман қўшилиб узил-кесил озодликни чеклаш жазоси тайинлашни ва В.Атажановга озодликни чеклаш жазосини ўташ жойи этиб, ҳозирги кундаги доимий яшаш жойини яъни Эллиткқалъа тумани Қаватқалъа МФЙ ҳудудида жойлашган уйини белгилашни ва унга сутканинг муайян вақтида, яъни соат 22:00 дан то соат 06:00 гача бўлган вақт оралиғида яшаш жойидан чиқиш чеклашни, зиммасига куйидаги қўшимча тақиқлар (чеклашлар) - алкоголь ичимликларини истеъмол қилмаслик; - транспорт воситаларини бошқармаслик; - муайян жойларга (бозор, тўйхона, ресторан, кафе, бар) бормаслик; - жазони назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартмаслик ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидан ташқарига чиқмаслик юклатилишини, ҳукм ижросини назорат қилиш Эллиткқалъа тумани ИИБ пробаця гуруҳи инспектори зиммасига юклатилишини ҳамда жазони ўташ муддати ИИБ

обаця гуруҳида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб соблашни, В.Атажановга озодликни чеклаш тариқасидаги



жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган, шунингдек суд томонидан ўз зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, суд озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддатини бошқа турдаги жазо билан алмаштириши мумкинлиги тушунтиришни ҳамда судланувчи В.Атажановга қўлланилган уй қамоғи тарздаги эҳтиёт чораси бекор қилишни ҳамда ЖКнинг 62-моддасига асосан 02.06.2023 йилдан 03.11.2023 йилга қадар уй қамоғида бўлган кунлари тайинланган озодликни чеклаш жазонинг бир кунига тенглаштириб чегиришни лозим топади.

Суд, иш бўйича Атажанов Вахобжон Азамат ўғлига тегишли бўлган “REDMI 9A” русумли русумли уяли телефон аппарати В.Атажановга қайтаришни;

Суд, иш бўйича Юлдашев Абдулла Махсудбаевичга тегишли бўлган “SAMSUNG GALAXY A11” русумли русумли уяли телефон аппарати А.Юлдашевга қайтаришни;

Суд, иш бўйича Қурбанбаев Расул Сабиновичга тегишли бўлган “SAMSUNG GALAXY A10S” русумли русумли уяли телефон аппарати Р.Қурбанбаевга қайтаришни;

иш бўйича ашёвий далил сифатида олинган: В.Атажановнинг унг ва чап қўлларидан олинган суртма намуналар, кимёвий ишлов беришда фойдаланилган махсус қалам, кукун намунаси, тоза пахта намунаси солинган 12 дона конвертлар тегишли тартибда йўқ қилишни;

иш бўйича жиноят ишига қўшилган икки дона СД диски ва икки дона DVD дисклари жиноят ишига қўшилиб сақлашни;

иш бўйича ашёвий далил тариқасида эътироф этилиб, кимёвий ишлов берилган вақтинча сақлаш учун Агробанк Тўрткўл туман филиалига топширилган 100 АҚШ доллари Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши кўрашиш Департаментининг Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл тумани бўлимига ўтказишни;

иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган 200 АҚШ доллари дастлабки тергов даврида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши кўрашиш Департаментининг Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл тумани бўлимига топширилганлиги инобатга олишни лозим топди.

Юқоридагиларга асос ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 454-457, 462-463, 465-468, 471-473, 476-моддарига риоя қилиб, суд

ҳ у к м қ и л д и :



Судланувчи Атажанов Вахобжон Азамат ўғли (Atajonov Vahobjon Azamat o'g'li) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 25, 168-моддаси 1-қисми ва 28, 211-моддаси 1-қисми билан айбли деб топилсин.

Судланувчи Атажанов Вахобжон Азамат ўғлига Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 25,168-моддаси 1-қисми билан хар ойлик иш ҳақисининг 20 фоиз миқдориди давлат фойдасига ушлаб қолиш йўли билан 2 (икки) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

ЖКнинг 28, 211-моддаси 1-қисми билан 2 (икки) йилга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

ЖКнинг 59, 61-моддалари тартибидан тайинланган жазолар қисман қўшилиб узил-кесил 2 (икки) йил 6 (олти) ой муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

В.Атажановга озодликни чеклаш жазосини ўташ жойи этиб, ҳозирги кундаги доимий яшаш жойи Эллиткқалъа тумани Қаватқалъа МФЙ ҳудудида жойлашган уйи белгилансин ва унга сутканинг муайян вақтида, яъни соат 22:00 дан то соат 06:00 гача бўлган вақт оралиғида яшаш жойидан чиқиш чеклансин.

В.Атажановнинг зиммасига куйидаги қўшимча тақиқлар (чеклашлар) юклансин:

- алкоголь ичимликларини истеъмол қилмаслик;
- транспорт воситаларини бошқармаслик;
- муайян жойларга (бозор, тўйхона, ресторан, кафе, бар) бормаслик;

- жазони назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартмаслик ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидан ташқарига чиқмаслик юклатилсин.

Ҳукм ижросини назорат қилиш Эллиққалъа тумани ИИБ пробация гуруҳи инспектори зиммасига юклатилсин ҳамда жазони ўташ муддати ИИБ пробация гуруҳида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

В.Атажановга озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган, шунингдек суд томонидан ўз зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, суд озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддатини бошқа турдаги жазо билан алмаштириши мумкинлиги тушунтирилсин.

судланувчи В.Атажановга қўлланилган уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

ЖКнинг 62-моддасига асосан 02.06.2023 йилдан 03.11.2023 йилга қадар уй қамоғида бўлган кунлари тайинланган озодликни чеклаш жазонинг бир кунига тенглаштириб чегирилсин.



Суд, иш бўйича Атажанов Вахобжон Азамат ўғлига тегишли бўлган “REDMI 9A” русумли русумли уяли телефон аппарати В.Атажановга қайтарилсин.

Суд, иш бўйича Юлдашев Абдулла Махсудбаевичга тегишли бўлган “SAMSUNG GALAXY A11” русумли русумли уяли телефон аппарати А.Юлдашевга қайтарилсин.

Суд, иш бўйича Қурбанбаев Расул Сабиновичга тегишли бўлган “SAMSUNG GALAXY A10S” русумли русумли уяли телефон аппарати Р.Қурбанбаевга қайтарилсин.

иш бўйича ашёвий далил сифатида олинган: В.Атажановнинг унг ва чап қўлларидан олинган суртма намуналар, кимёвий ишлов беришда фойдаланилган махсус қалам, кукун намунаси, тоза пахта намунаси солинган 12 дона конвертлар тегишли тартибда йўқ қилинсин.

иш бўйича жиноят ишига қўшилган икки дона СД диски ва икки дона DVD дисклари жиноят ишига қўшилиб сақлансин.

иш бўйича ашёвий далил тариқасида эътироф этилиб, кимёвий ишлов берилган вақтинча сақлаш учун Агробанк Тўрткўл туман филиалига топширилган 100 АҚШ доллари Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши кўрашиш Департаментининг Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл тумани бўлимига ўтказилсин.

иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган 200 АҚШ доллари дастлабки тергов даврида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши кўрашиш Департаментининг Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл тумани бўлимига топширилганлиги инобатга олинсин.

Ҳукмга норози томон 20 сутка ичида, судланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, шу муддат ичида ушбу суд орқали Қорақалпоғистон Республикаси судига апелляция тартибда ариза бериш, прокурор протест билдиришга ҳақли.

Раислик қилувчи

С.Атабаев

Маъсул судья: Атабаев Саловат Султанович

